



Амориянинг камал килиниши ва кўлга олиниши (давоми)

223-хижрий йил Рамазон ойининг 6-куни (838 йил 1 август) Аморияни камал килиш бошланди, бунга мусулмонлар жуда жиддий тайёргарлик кўргандилар. Шахар ахолиси, ўз навбатида, охиригача жанг килишга қарор қилдилар ва халифа кўшинларига қучли қаршилиқ кўрсатдилар. Хар икки томон ҳам сезиларли зарар кўрди. Мусулмонлар шаҳар камалини бекор қилиб, қайтиб кетмокчи бўлган вақт ҳам бўлди. Бирок, Аллох буни хохламади, чунки Запетра мусулмонларининг азоблари – беғуноҳ ўлдирилган қоллар, асирликда қийноққа солинган эркаклар, мажбуран насронийга айлантирилган болалар ва номуси топталган аёллар – византияликлар учун бу дунёдаёқ изсиз ўтмаслиги керак эди.

Камалнинг муҳим палласида аморияликлар орасида Феофил кўргонини кўлга киритишда халифа кўшинларига ёрдам берган бир киши топилди. У византияликлар томонидан кўлга олинганидан кейин христианликка айлантирилган мусулмон эди. Камал пайтида у яширинча шаҳарни тарк этиб, халифанинг олдига келиб, унга осонгина ёриб ўтиш мумкин бўлган девордаги жойни кўрсатди. Гап шундаки, камалдан сал олдин ёмғир туфайли кўтарилган сув майдонни юйиб, деворнинг бир қисмини вайрон қилган эди. Феофил бунни билиб олгач, Амория ҳокимига уни дархол қайта қуришни буюрди. Лекин у императорнинг буйруқларига риоя қилмади ва Феофил Константинополдан чиққанини билгач, унинг қазабидан кўриб, бузилишларни бир амаллаб таъмирлади ва девор тепасида аввалгидек, данданалар ўрнатди.

Олинган маълумотлар бебаҳо эди. Дарҳақиқат, Мутасим баллисталарни кўрсатилган йўналишда жўнатиши биланок деворнинг бир қисми қулаб тушди. Бўшликни кўриб, византияликлар бир муддат уни ёғочлар билан бекитдилар ва баллистанинг таъсир кучини камайтириш учун ёғочларни наomat билан қопладилар. Лекин узлуксиз отишни ўрганиш ёғочларни парчаларди ва бу нуктада девор яна қуларди.

Амория ҳокими Аэций ва Феофил томонидан бу ерга юборилган византиялик гулом девор вайрон қилинган, византияликлар мушкул вазиятга тушиб қолган ва шаҳар атрофидаги араб кўшинлари сони кўп эканлиги ҳақида императорга мактуб юборишга қарор қилади. Аэций тунда чиқиб, душман сафларини ёриб ўтиш ва император ҳузурига йўл олишга қарор қилади.

Мактубни Феофилга етказиш учун икки шахсга – юнон қули ва араб тилини жуда яхши биландиган бир одамга топширилади. Улар шаҳардан чиқиб кетишди, лекин хандақдан ўтишга ҳам улгурмасдан Амр ал-Фаргонийнинг разведкачиларига рўпара қелади.

Улардан: «Қаердансизлар?», деган саволига «Биз сенинг дўстларингмиз», деб жавоб берди улар. Лекин араб раҳбарларидан бирортасининг исмини билмай, иккинчи саволга жавоб бера олмадилар: улар жосусликда гумон қилиниб, дархол Мутасимга олиб кетилди, уларни тинтув қилиб, Аэцийнинг императорга ёзган мактубини топишди.

Халифа мактубни ўқиғач, ислом динини қабул қилишга рози бўлган юнон элчиларини пул билан тақдирлаб, эртаси қуни эрталаб уларни бой қийимларга қийдириб, Амория деворининг айнан Аэций турган минораси ёнидан олиб ўтишни буюрди. Икки киши уларнинг олдига пул кўтариб борар, элчиларнинг қўлида эса Аэций ёзган хат бор эди. Бундай қутилмаган манзарани кўрган Аэций ва бошқа византияликлар деворлардан туриб, "қоинлар"деб бақира бошладилар. Бу воқеадан сўнг Мутасим камал қилинганларни шаҳардан элчи юборишга ҳар қандай имкониятдан маҳрум қилиш учун қескин қоралар кўришга қўл урди. Араб армиясида доимий ўрнатилган пикетлар ташкил этилган; қурулми аскарлар ҳатто отдан тушмасдан ухларди.

Аморияга яқинлашиб қелаётган Мутасим хандақ қенглиги ва деворларнинг қаландлиги ўрганилгач, қуйидаги йўл билан шаҳарни эгаллашга уриниб кўрди. У ҳар бири тўрт қишини қигдирадиган деворларнинг қаландлигига қутаносиб қавишда баллисталар қуришни буюрди. Бу баллисталар қравалар қойлаштирилган майдончаларга қойлаштирилди. Баллистадан ташқари, ҳар бири ўн қишини ушлаб турадиган қаланд қўчма миноралар кўтарилди. Кейин хандақни йўқ қилиш қоралари кўрилди. Бунинг учун аскарларга биттадан қўй тарқатилиб, унинг қўшти ейиш, тупроқ билан тўлдирилган терисини эса хандаққа ташлаш буюрилди. Хандақ шундай терилар билан тўлдирилгандан кейин қўчма миноралар деворнинг ўзига қелтирилиши мумкинлиги сабабли шундай буйруқ берилганди. Аммо, юнон тошларидан эҳтиёт бўлиб, жангчилар

териларни тўғри келганича ташларди ва уларни текислаш учун ҳеч қандай йўл йўқ эди. Шунда Мутасим терилар устидан тупрок ташлашни буюрди. Бир минора деворга қараб сурилди, лекин хандакнинг ўртасига илиниб қолиб, ундан нарига ўта олмади, шунда ундаги одамлар деярли ҳалок бўлишди. Мутасимнинг Аморияни қўлга киритишга бўлган илк уриниши муваффақиятсизлик билан якунланди.

Эртасига Халифа ҳужумга ўтишни буюрди. Ашнас ва унинг жамоаси жангга биринчи бўлиб киришди, аммо жанг учун жуда кам жой бўлгани учун муваффақитга эришмади. Мутасим кейинроқ йирик баллисталарни олиб келишни буюриб, деворни бомбардимон қила бошлади. Сўнгра қалъанинг ҳужуми Афшин қўшинига топширилди. У фаол жангга кирди ва олға ҳаракатланди.

Учинчи куни жангнинг асосий юки Мутасим жангчиларга тушди. Улар орасида магрибликлар ва турклар ҳам бор эди. Туркларнинг қўмондони Итоҳ эди. Мутасим қўшини ўзининг энг яхши томонини кўрсатди.

Бу орада деворнинг қатталашиб бораётган тешиги олдида қурашаётган византияликлар оғир талафот кўрдилар. Шунинг учун деворнинг бу жойидаги Венду исмли қўмондони қолган қучлар билан мусулмонларнинг босимига дош беролмай, Аэций ва бошқа раҳбарлардан ёрдам кўролмай, уларга мадад сўраб мурожаат қилди. Унинг таажжубига қўра, бунинг жавоби қўпол рад жавоби олди: «Девор биз томонимизда бузилмаган», - деб жавоб берди раҳбарлар – «биз сендан ёрдам беришингни сўрамаяпмиз. Бу сенинг ишинг ва мудофаа қисмингдир. Биз сенга ёрдам бера олмаймиз».

Венду бу жавобдан кейин бошқа йўл кўрмай, ўртоқлари билан келишиб, Мутасим ҳузурига боришга ва болалар учун ундан раҳм-шафқат сўраб, қалъани барча қурол-яроғ, мол-мулк ва бошқа нарсалар билан унга топширишга қарор қилди.

Эрталаб у аскарларига қайтиб келгунига қадар жангга қиришмасликларини олдиндан буйруқ бериб, ҳақиқатда халифа ҳузурига боради. Венду ва Мутасим ўртасидаги музокаралар чоғида араб қўшини деворга яқинроқ яқинлаша бошлади ва бузилишнинг ўзига келди, византияликлар эса ўз бошлиқларининг буйруқларига амал қилиб, уларга қаршилик кўрсатмадилар ва фақат белгилар билан уларни бундан нарига ўтмасликка қайтардилар.

Шу пайт Мутасим ва Венду музокараларни тугатиб чиқиб келишади. Бирдан халифанинг яқинларидан бири Абдулваххоб ибн Али қўшинларнинг шаҳарга қиришига ишорат қилди. Шаҳарга қириб келаётган араб қўшинларини қўриб, Венду соқолини қангаллади.

Мутасим сўради: «Сенга нима бўлди?» У жавоб берди: «Мен сенинг сўзингни эшитишни, сен эса меникини эшитишингни истаганим учун келдим! Менга ҳоинларча муомала қилдинг!» Шунда халифа: «Мендан нима сўрасанг, сенга беришга ваъда бераман. Нима хоҳлашингни айт, ва мен сенинг сўзларингга рози бўламан». Буга Венду жавоб берди: «Қўшинларинг аллақачон шаҳарга қирган бўлса, бу рози бўлишингдан нима наф?!» Аммо Мутасим давом этди: «Истаган нарсангга қўлингни қўй - бу сенга тегишли бўлади».

Шундан сўнг Венду Мутасимнинг қодирлигида қолди.

Мусулмонларни қўриб, мағлубиятга учраётган византияликларнинг баъзилари Амория монастиридаги қатта черковга шошилишди, бу ерда қаттиқ қаршиликдан кейин уларнинг ҳаммаси черков билан бирга ёниб кетишди ва баъзилари Аэций бўлган минорада йиғилишди.

Мутасим забт этилган шаҳарга от устида қириб келди, Аэций яшириниб ётган минора олдида тўхтади. Араблар: "Ятис (Аэций)! Мана, мўминларнинг ҳукмдори! Унга айтинг, мўминларнинг ҳукмдори шу ерда эканлигини!", деб қичқиришади. Лекин византияликлар

юкоридан ўжарлик билан жавоб беришди: «Бу ерда Ятис йўк!»

Мутасим жахли чикиб, энди узоклашмокчи бўлганида византияликлар минорадан: «Мана, Ятис келди! Мана, Ятис келди!» деб кичкира бошлашди. Минорага кайтган Мутасим унга карши нарвон кўйишни буюрди, у билан бирга келиб чикиши византиялик бўлган Хасан исмли жангчи Аэций билан музокара килиш учун юкорига кўтарилди. Хасан уни ҳеч қандай шартларсиз халифага таслим бўлишга чакирди. Мутасим Аэцийга пастга тушишни буюрди. Кейин, ниҳоят, тепада килич осиб олган Византия генерали пайдо бўлади. Киличини ечиб, Хасанга топшираркан, Аэций Мутасим олдида ҳозир бўлади, у эса газабини жиловлай олмай, уни камчи билан уради, сўнг чодирига келтиришни буюради.

Амориа кулади. Мусулмонлар жуда кўплаб ҳарбий асирларни ва турли ўлжаларни кўлга киритдилар. Аморияни кўлга киритгач, Афшин кўшинлари византияликларни мағлубиятга учратгандаёқ халифага юборилган Византия элчилари императорга кайтариб юборилди. Амория деворлари ва дарвозалари вайрон килинган. Лекин шу билан бирга Мутасим Запетрани тиклаш ва мустаҳкамлашни ва унинг атрофида Табаржи, Ал-Хусайний, Бани Ал-Мўмин ва Ибн Рахвон калъаларини барпо этишни буюрди.

Мутасим Константинополга карши юриш ҳақида ўйлаб, Византия пойтахтини денгиздан ва курукликдан ўраб олиш воситалари ҳақида суриштирган эди, лекин бу пайтда у жияни Аббос томонидан фитна ҳақида билиб олгани учун Шомга шошилишга кайтишига тўғри келади. Шунинг учун халифа ўзининг ҳужумкор режаларидан воз кечиб, пойтахтга кайтишга мажбур бўлди.

Абу Муслим таржимаси